

## **БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ, ОМИЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ**

Ч.Собирова,  
Ургенч ДУ ўқитувчиси

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, халқимиз келажагини белгилаб берувчи бир қанча масалалар қаторида ўқувчи ёшларга таълим бериш ва ҳар томонлама мукамал инсон сифатида тарбиялаш давлат ижтимоий ҳаётининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари, ўзлигига, садоқатли жамиятнинг ҳар томонлама мукамал фуқароси даражасида тарбиялаш учун Президентимиз И.А.Каримов айтганидек: - “Буюк давлат,буюк келажагимизга эришиш учун оқил,маърифатли,айни пайтда ўзининг ўтмиши,улуғ қадриятлари,миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”.

Ўқиш жараёнида талабалар ахлоқий ва эстетик онгини такомиллаштириш муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида инсон омилига алоҳида урғу берилган. Президентимиз “Маънавий-ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус ва шу каби чинакам фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасини заминида тарбия ётади” деб бежизга айтмаган. Шу жумладан, баркамол, илмга чанқоқ, иродали, ақлий ва ахлоқий фазилатга бой, эстетик дидли шахсларни тарбиялашда “олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир”.

Олий ўқув юртларида шахсни камол топтириш мақсадида бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий–эстетик тарбиялаш тамойиллари, омиллари, тизими, шарти ва моҳияти масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ахлоқий–эстетик тарбиялаш тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- талабаларнинг ёши, уларнинг тавсифи, ахлоқий-эстетик тарбиясининг бошланғич даражаси;
- тизимлилиқ, изчиллик, босқичма-босқичлилиқ, яхлитлилиқ, фанлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, кетма-кетлик, интегративлик;
- технологиялилиқ, бирлик ва бутунлик;
- дидактика – барча дидактика тамойилларидан фойдаланиш;
- мунтазамлик, муаммони кўтаришдан уни ечишгача бориш;
- ижобийлик, намунавийлик, кўргазмалилик, идеалга интилиш устунлиги;

-таълим-тарбия жараёнини, бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашни, уларнинг шахсини камол топтиришни инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилтириш;

- маданий мувофиқлик –миллий-маданий, умуминсоний, ахлоқий-эстетик қадриятлар приоритети билан;

шахсга қаратилганлик – шахсга диққат-эътибор, у афзал кўрадиган нарсаларга, унинг танловига, ўқиш ва ҳаётда ўзини намоён қилишига эътибор ва шу қабиладир.


Бўлғуси ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш омиллари қуйидагиларда кўринади:

- концептуал-педагогик омиллар - давлат таълим сиёсати мазмунида;
- методологик- назарий омиллар – янги педагогик фикрлаш, замонавий педагогика фанига мувофиқлиги;
- ижтимоий-педагогик омиллар;
- миллий-маданий омиллар – ўзбек халқининг миллий анъаналари ва тарихий-маданий қадриятларига мурожаат қилиш;
- бўлажак ўқитувчининг шахсига тааллуқли бўлган маънавий-ахлоқий ва маънавий эстетик омиллар;
- ўқув материалнинг мазмуни, бўлажак ўқитувчининг шахси, унинг бўлажак таълим тарбия фаолияти билан ҳамоҳанг бўлган ахлоқий-эстетик қарашлари;
- ўқувчиларнинг руҳий ҳолати, ёши, уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари ва эҳтиёжларига, “шахс” менига, талабаларнинг сабаб тушунчасига, ахлоқий-эстетик материални билиш, қабул қилиш-англаш-тушуниш ва адекват онга интериоризация қилишига оид психологик омиллар;
- тушунчавий-мезоний омиллар - талабаларнинг зарур терминлар, тушунчалар, эстетик ва ахлоқий, ахлоқий-эстетик категорияларни билиши;
- фанлараро омиллар;
- назарий-педагогик омиллар - муаммони илмий асосланган, педагогик асосларда ҳал қилиш;
- руҳий-ўргатиш омиллари – ёрқин, эсдан чиқмайдиган руҳий таъсир кўрсатадиган ахлоқий-эстетик юқори маънавиятли, эстетик тўлақонли, миллий, тарихий-маданий, нафис, бадиий-тасвирий, миллий-анъанавий материаллардан фойдаланиш;
- техно-педагогик омиллар – конструктив-мақсадга йўналтирилган;
- назарий-амалий омиллар – муаммони ҳал қилишда илмий амалий асослардан фойдаланиш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг вазифаси, илмий иши ва фаолиятининг турлари ва вариантларига тааллуқли бўлган, ахлоқий-эстетик билим, тушунча, тасаввур ва қобилият талаб этадиган интеллектуал-ижодий омиллар;
- методик омиллар – энг самарали усуллар ва воситалардан, муайян-предметли методикадан фойдаланиш;
- ижтимоий-коммуникатив омиллар - бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик мавзу, муаммо, фаолият билан боғлиқ бўлган

диалогга, оммавий чиқишларга, ўз фикри, дунёкарашини ҳимоя қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Талабаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш мезонларига тўғри келадиган мақсад, мўйян амалий вазифа ва қутиладиган натижадан келиб чиққан ҳолда шахсни камол топтириш мақсадида бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашга тизимли ёндошиш зарурдир. Тизимли ёндошишда бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашга қўмаклашувчи тамойил ва омиллар инобатга олинади, булар мотивацион, таълим-тарбия ва шахс омили.

Тизим фанлар ўртасидаги боғлиқлик асосида тузилади:



Умумпедагогик фанлар тизимининг замонавийлаштирилган мазмунидан қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг методологик-назарий ва миллий-мазмуний жиҳатлари (“Педагогика тарихи” фанида);
- ахлоқий-эстетик тарбия асосларининг педагогик ва методик жиҳатлари (“Педагогика” фанида);
- ахлоқий-эстетик тарбияга технологик ёндошиш (“Педагогик технологиялар” фанида);
- ахлоқий-эстетик тарбияга ижодий ёндошиш (“Педагогик маҳорат” фанида) қучайиб бормоқда.

Демак, талабалар умумпедагогик фанларни ўзлаштириши жараёнида, ўқув дастурларини маълум даражада замонавийлаштирганда, бўлажак ўқитувчиларни муайян мақсадда ахлоқий-эстетик тарбиялаш амалга оширилади, натижада шахснинг камол топиши илдамланади. Бу жараёнда мазкур муаммони ечишнинг педагогик асослари, уларнинг ижодий, инновацион характери ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шахсни камол топтириш мақсадида бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашни 4 та асосий шарт билан билиб олишимиз мумкин.

#### I. Психологик-педагогик.

Талабаларга эмоционал-психологик таъсир. Талабалар томонидан мотив, мотивация ва мотивировканинг ўзлаштирилиши. Бўлажак ўқитувчиларнинг “Мен” концепцияси негизида ўзига баҳо бериш қобилиятига эга бўлиши.

#### II. Ташкилий-педагогик.

Ахлоқий-эстетик тарбиянинг мақсадини аниқлаш ва англаш. Қутиладиган натижани олдиндан кўра билиш. Талабаларни маърузанинг мавзуси ва мазмуни билан таништириш, тингловчи-талаба-бўлажак ўқитувчиларга муайян талаб қўйган ҳолда суҳбатлар ўтказиш.

#### III. Педагогик.

Талабаларга маъруза, суҳбат, бўлажак ўқитувчиларнинг маъруза ўқиш фаолияти технологиясини ўргатиш. Талабаларнинг ахлоқий-эстетик фикр мулоҳазаси, ижодий фикрлаши ва тасаввурини фаоллаштириб, ўз фикрини

ҳимоя қилишга ўргатган ҳолда маъруза материалларини мустаҳкамлаш ва такрорлаш. Талабалар ўз ахлоқий-эстетик фазилатлари ва қобилиятларини, шу жумладан шахсий ва касбий хусусиятларини намоён қилишлари учун шароит яратиш; уларнинг ахлоқий-эстетик билим ва ҳиссиётларини адекват шахсий камол топишларини интериоризация қилишга йўналтириш.

#### IV. Материалли.

Талабалар билан ўтказиладиган маъруза ва суҳбатларни кўргазма материаллари ва матнли материаллар билан таъминлаш.

Бундан ташқари талабаларга эмоционал-психологик ва мотивацион таъсир кўрсатиш; умумпедагогик фанлар бўйича ўқув дастурларни фанлараро боғлиқликнинг муайян параметрлари асосида модификация қилиш; миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳисобланган зарур назарий ва потенциал-тарбиявий ахлоқий-эстетик материални танлаб олган ҳолда тизимли ва таркибий-маъновий ёндошиш; илмий асосланган назарий-педагогик ва амалий асослар, улардан таълим-тарбия жараёнида ижодий фойдаланиш. тарбияланувчиларнинг шахсий, креатив-педагогик омилини инобатга олган ҳолда педагогик мулоқотни юқори ахлоқий-эстетик даражада олиб бориш; муносабатларнинг турли даражасида келажакда ўқитувчи бўлишга тайёрланаётган талабаларнинг ижтимоий-коммуникатив фаолиятига эътибор бериш, уларнинг ахлоқий-эстетик муваффақиятларига аҳамият бериш ва ижтимоий фаолиятларида фойдаланиш; бўлажак ўқитувчиларнинг баркамолликка интилишини рағбатлантириш каби шартлар орқали бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий – эстетик жиҳатдан тарбияласак, келажак авлодни юксак маънавиятли, комил инсон қилиб тарбиялашга замин яратган бўламиз.